O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
BO`KA TUMANI
HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
БЎКА ТУМАНИ
ҲОКИМИ

110600 Бўка шаҳри, А. Қодирий кўчаси 1-уй. Тел: (0-370-57-36-200) Факс: (0-370-57-35-460)

QARORI
ҚАРОРИ

Бўка шаҳри 1231 - сонли «08» 08 2017 йил.

2017 йил II-чорак давомида Бўка тумани маҳаллий бюджети харажатлар ёйилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси **"Бюджет кодекси"**нинг 148-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2012 йил 10 январдаги 1-сон буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари ёйилмасига ўзгартиришлар киритиш ва уларни ҳисобини юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, шунингдек ҳудудий молия органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш" Регламенти, Молия вазирининг 2010 йил 5 февралдаги 10-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида"ги Низоми, Молия вазирининг 2008 йил 13 октябрдаги 163-сон буйруғи билан тасдиқланган "Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари ёйилмасида, харажатлар сметаларида ҳамда бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларда чегирилаётган (камайтирилаётган) бюджет маблағлари (режали маблағлар)ни акс эттириш тартиби тўғрисида"ги Низоми, Бўка тумани ҳокимининг 2017 йил 3 январдаги "Бўка туманининг 2017 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида"ги 7-сонли Қарорига асосан, шунингдек туман маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи бюджет ташкилотлари сўровларини инобатга олган холда:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1.2017 йил 3 январдаги "Бўка туманининг 2017 йилги махаллий бюджети параметрлари" тўғрисидаги 7-сонли қарорига 2017 йил II-чорак давомида туман махаллий бюджети харажатлар ёйилмасига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

2.Жорий йилнинг II-чораги давомида туман маҳаллий бюджети ҳаражатлари ёйилмасига киритилган ўзгартиришлар 1 ва 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.Туман маҳаллий бюджетларига 2017 йилнинг II-чораги давомида киритилган ўзгартиришлар 17-сон шакл маълумотнома-билдиришномалар расмийлаштирилган санадан бошлаб кучга кирган деб ҳисоблансин.

4.Мазкур қарорни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Бўка тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

5.Туман ҳокимлиги Молия бўлими (М.Хакбердиев) тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришни таъминласин.

6.Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Суннатуллаев зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **Х.Холбоев**